



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМУЪЗОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ  
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН  
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ



# ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

НАШРИ МАХСУС / СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК / SPECIAL EDITION

БО ҲАМКОРӢ БО ТАХРИРИЯТИ МАҚАЛЛАҲОИ ИЛМӢ-  
ПАЖӢҲИШИИ “АНВОРИ ИЛМ” ВА “ТАФАККУРИ ТАЪРИХ”

СОВМЕСТНО С РЕДАКЦИЕЙ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЖУРНАЛОВ «АНВОРИ ИЛМ» И  
«ТАФАККУРИ ТАЪРИХ»

IN COLLABORATION WITH THE EDITORIAL STAFF OF THE  
RESEARCH JOURNALS "ANVORI ILM" AND "TAFAKKURI  
TARIKH"



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

---



**МАВОДИ**

**анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович**

\*\*\*

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной конференции “Актуальные проблемы истории, истории культуры, историографии и источниковедения истории народов Средней Азии” в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент, в честь 60-летия доктора исторических наук, профессора Вохидова Шодмона Хусейновича**

\*\*\*

**MATERIALS**

**scientific-practical international conference "Actual problems of history, cultural history, historiography and source study of the history of the peoples of Central Asia" at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent, in honor of the 60th anniversary of Doctor of Historical Sciences, Professor Vohidov Shodmon Khuseinovich**

**Панҷакент - 2021**

## БУХОРО ВОҲАСИДА БАЪЗИ БИР ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР

Х.Р.Нафиддинова

Бухоро Давлат Университети

Миллий ғоя,маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси  
+998914046211

**Аннотация:** Ушбу мақолада Бухоро воҳасида оила ва у билан боғлиқ маросимлар, уларнинг ўтказилиш тартиби ҳақида тўхталиб ўтилган. Маросимлар билан боғлиқ тушунчаларга атрофлича таъриф берилган. Маросимларни ўтказиш вақти ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** оила, маросим, оилавий маросим, никоҳ, дафн, тўй, “Саллабандон”, суннат тўй

Инсон ҳаётини маросимлардан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. У туғилгандан умрини охиригача турли маросимлар қуршовида бўлади. Шу маънода ҳар бир маросимга хос бўлган урф-одатлар ва анъаналар ҳам узоқ асрлар мобайнида шаклланиб боради. Маросимлардаги урф-одат ва анъаналар ҳам инсон эзгулиги йўлида хизмат қилади.

Маросим инсон ҳаётида муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келади ва кишилар ҳаётидаги энг эътиборга молик воқеаларни расмийлаштиради, нишонлашга даъват этади. Ўзбек оилаларида ёш авлодни тарбиялаш учун ўзига хос маънавий “зина” сифатида хизмат қиладиган, чақалоқ туғилганидан, то улғайиб, янги оила қургунгача бўлган ҳаётини муҳим воқеаларни эътироф этадиган маросимлар тизимини ўз ичига олади.

Маросим арабча “марсум” сўздан олинган бўлиб, чизилган, расм қилинган, одат бўлган деган маъноларни билдиради. Маросимларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин<sup>1</sup>. Шулардан биринчи гуруҳи ва биз ўрганадиган мавзу бу оилавий маросимлар ҳисобланади.

Бухоро воҳасига хос маросимларга ақиқа, бешик тўй, суннат тўй, мучал, никоҳ тўй ва унинг давоми ҳисобланган кўплаб маросим ва йиғинларни киргизишимиз мумкин.

Мамлакатимизда оила ва никоҳни мустаҳкамлаш ишларини такомиллаштириш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонни 2017-2021-йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси давлат дастурида ҳам бу борада алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан«...оналик ва болаликни ҳимоялаш,оила институтини қўллаб-қувватлаш»<sup>2</sup>, замонавийликка асосланган ўзбек оиласининг жамиятдаги ролини ошириш, оила ва никоҳ маросимлари борасидаги миллий анъаналарга эътибор қаратиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалага айланган.

Инсон дунёга келиши билан ўтказиладиган биринчи маросим бу “ақиқа” ҳисобланади. Ақиқа (араб.– "чақалоқ сочини олиш, қурбонлик сўйиш") – мусулмон

---

<sup>1</sup> [http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek\\_legends\\_and\\_mythes/uzbek\\_national\\_falklore](http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek_legends_and_mythes/uzbek_national_falklore)

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 346-бет.

оилаларида янги туғилган болага исм қўйиш ва "қорин сочи" (боланинг туғилгандаги сочи)га қайчи уриш билан боғлиқ бўлган маросим ҳисобланади<sup>1</sup>. Бугунги кунда бу маросим фарзандлар дунёга келганда кўпчиликка зиёфат бериш билан нишонланяпти. Аслида эса ундан кўзланган мақсад Аллоҳ берган фарзанд деб аталмиш улуғ неъматга шукроналик сифатида қурбонлик қилишдан иборат. Улуғ муҳаддислардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа ар-Раб'и ал-Қазвиний ўзининг 3163 ҳадисида "Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга ўғил фарзанд учун иккита, қиз фарзанд учун бир қўйни ақиқа сифатида қурбон қилишимизни буюрдилар"<sup>2</sup> деб ёзган.

Бугунги кунда бу маросим ўзининг асл илдизларидан бироз узилганини гувоҳи бўлсакда, яна халқ ҳаётига қайтаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Бешик тўйи Бухоро воҳасида "гаворабандон" номи билан юритилади. Гавора бешикнинг тожикча номидир. Бешик – бола оёққа турганча ётадиган, яшайдиган жойи, бошпана уйдир<sup>3</sup>. Бешик ота боболаримиз кашфиётлари орасида алоҳида ўринга эга. Одатда бешик оилада биринчи фарзанд туғилганда сотиб олинади ва кейинги фарзандлар учун ҳам ишлатилади. Одатда бешик мевали дарахтларнинг таналаридан ясалган. Бу албатта рамзий маънога эга. Яъники фарзанд ҳам келажакда мевали дарахтга ўхшаши ният қилинади. Унинг ёпинчиқларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ёзда нисбатан юмшоқ ва ҳаво ўтадиган матолар, қишда эса қалин ва иссиқ матолардан ёпинчиқлар ёпилган. Шунингдек, бешикнинг ўзининг ҳам ёзги шакли бўлган. У беланчак деб аталади. Беланчак бешик бажарган ҳамма вазифани бажармаса ҳам ёз кунларида аёлларнинг юмушини енгиллатган. Бола туғилганининг уч ё бешинчи куни бешикка беланишиши ҳам алоҳида маросим ҳисобланади. Болани бешикка ёши улуғ аёллардан бири белади. Бола бешиги устида ширинликлар, новвот, ёнғоқ синдирилиб, маросимга йиғилганларга тарқатилади.

Ундан кейинги тўйлардан бири бу хатна тўйи ҳисобланади. Хатна ўзбек оилаларида болага қилиниши лозим бўлган уч қарздан бири ҳисобланади. Бу маросим бизнинг юртимизда ислом дини пайдо бўлишидан олдин ҳам нишонланган. У мусулмон боласининг "қўлини ҳалоллаш"<sup>4</sup>дир. Жараён яширинча ўтказилса ҳам, тўй катта қилиб нишонланади. Хатна тўйи одатда боланинг тоқ ёшларида то мактабга чиққунча ўтказилади.

Навбатдаги маросим ўғил-қизларнинг болалиқдан ўсмирликка ўтиш даврида нишонланади. Бу мучал тўйи номи билан юритилади. Бухорода эса "мўлжарпўшон" номи билан машҳур. Мучал ёшини нишонлаш умрнинг бир давридан иккинчисига ўтиш, болалиқдан ўсмирликка ўтиш тантанаси сифатида байрам қилинган.

Ўзбек халқи ҳам азалдан фойдаланиб келган тақвимлардан бири бу ўн икки йиллик "мучал тақвими" бўлиб, у баҳорги тенгкунликдан сўнг бошланади ва сичқон, сигир, йўлбарс(қоплон), қуён, балиқ(тимсоҳ), илон(аждар), от, қўй, маймун, товук, ит ва тўнғиз йилларидан иборат.

Анъанага кўра, мучал ёши ўн икки йиллик бир муддат тугаб, кейинги бошланиш даврида (яъни, 12-13, 24-25, 36-37 ёшда) Наврўз байрами кунларида нишонланган. Айниқса, биринчи мучал алмашиши — ўн икки ёшдан ўн уч ёшгача ўтиш (бошқа мучал ёшларига қараганда) катта тантана билан нишонланган.

Мучал ёшига бағишланган маросим оилада ота ва она томонидан бўлган қариндошлар иштирокида ҳамда қўни-қўшни, қариндош-уруғлар иштирокида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси . Биринчи жилд. Тошкент, 2000-йил.

<sup>2</sup> <https://qomus.info/oz/encyclopedia/i/ibn-moja/>

<sup>3</sup> Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент: "Фан", 1993. Б.-7.

<sup>4</sup> Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент: "Фан", 1993. Б.-20.

ташқиллаштирилган. Мучал ёшига кирган болага махсус оқ либослар кийдирилган ёки унинг бўйи баробар оқ мато ўлчаш, турли совғалар бериш, «оқ» таом ва ширинликлар улашиш, исириқ тутатиш, дуолар ўқиш каби амаллар бажарилган.

Бухорода дастурхони ёзилган уйнинг қоқ ўртасига зағома тарози (паллали тарози) остирилган (зағомалар тагига чарм қопланган бўлиб, улар тарозига палла вазифасини ўтаган). «Мучали нишонланаётган бола шу зағома, яъни палланинг бирига солиниб, тарозининг иккинчи палласига каллақанд солинган. Каллақанд солинган палла бола турган палладан оғир келгач, болани дастурхон тўрига ўтқизганлар. Унинг вазни бараварлигидаги каллақанд эса дастурхон атрофидагиларга тенг тақсимланиб, кулча устига қўйиб улашилган. Йиғилганлар хурсандчилик қилишган ва шу билан маросим тугаган. Қариялар мучал тўйини қилаётганларни дуо қилишган. Мучал ёшидагилар баҳор байрамининг рамзий қаҳрамонларига айланишган. Мучал тўйининг якунида 7—8 мучал ёшини яшаган (тахминан, 70 дан ошган) қариялардан бири ўсмирларни дуо қилган..

Маросимларнинг гултожи бу албатта никоҳ маросимлари саналади. У ўз ичига кўплаб катта-кичик маросимларни олади. Никоҳ маросимларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб такалади. Никоҳ инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб, махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал, одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросимдир.

Ўзбекларда никоҳ маросимлари миллий менталитет асосида шаклланган. Инсониятнинг энг қадимги ҳаётидан то ҳозирги ривожланган жамиятларгача бўлган даврда никоҳ маросимлари инсонларнинг жинсий ҳаётини, қариндошлик муносабатларини тартибга солиб турган, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаб турган ахлоқий-эстетик воқеликдир. Никоҳ муносабатларини ранг баранглиги ўзбек маросимларида эстетик воқеликни юзага келтирган. Ҳар қанақа давлатнинг тинчлиги эса эр-хотинлик никоҳи қонунларининг баркамоллигига алоҳидлик. Улар жамоат осойишталигига, тинчлигига ва шахсий ҳуқуқ ва мулкка таъсир кўрсатадилар, ҳатто қадимда салтанат, тахт ишлари ҳам никоҳга алоҳидлик ҳолда ривожланган.

Барча миллат ва элатларда, хусусан, ўзбекларда икки қарама-қарши жинс вакиллари оила қуриши билан туғилган фарзандларини оилали бўлишига ва келажакдаги бўладиган муқаррар никоҳга тайёргарлик кўра бошлашади. Никоҳ маросими инсонга оилали бўлиш, меҳнат қобилияти, ишчи кучи, мулкка эгалик ҳуқуқидек имкониятларни бериб келмоқда. Никоҳнинг натижаси оила эса инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойидир. Никоҳ инсон ва жамиятга нисбатан бир қанча функцияларни бажаради. Чунки никоҳ кишилараро қариндошлик муносабатини тикловчи, янги авлодни яратувчи, жамият учун янги ҳужайра – оилани вужудга келтирувчи, табиатан икки қарама-қарши жинс вакиллари бир-бирига яқинлигини ахлоқий ва эстетик жиҳатдан қуршалган тарзда намоён қилувчи, давлатлараро сиёсий-дипломатик муносабатларни тартибга солувчи функцияларини ўтаб келган.

Ўзбек никоҳ маросимлари хурсандчиликка – тўйга асосланган, унда шодиёналик, кўтаринчилик кайфияти, ҳис-туйғулар намоён бўлади. Никоҳ ёшлик, гўзаллик, келажакка яхши умид ва эзгу орзулар рамзи сифатида ўтказиладиган ажойиб оилавий байрамдир. Ғоят гўзал бўлган бу маросим барча хилдаги халқ санъати, ашула, рақс билан ўтказилади. Жумладан Бухоро амирлигида ҳам тўй ўтказиладиган бўлса, доира базм ташқил қилиш одати бўларди. Бойлар тўй қилса, махсус чақирилган меҳмонлардан бошқа киши кирмасин, деб эшикларни бекитиб базм қилардилар. Аммо оддий одамларнинг базмлари очик бўлиб, доира овозини эшитган ҳар бир одам базмга

бориб томоша қилишга ҳақли эди ва бундай томошабинларни “доирахабар”, дер эдилар. Бойлар базмларининг охирида созандаларга тўн кийдириб, пул бериб жўнатардилар. Аммо оммавий ва жамоат базмларида базм қурган одамлар созандаларга ҳеч нарса бермасди. Базм бориб турган кезде эса “саргардон” эълон қилинарди. Бунинг маъноси шуки, доирачилар ўз олдиларига рўмол ёзиб қўйиб, доирани бошқа мақомда чалар, томошабинлар, хоҳ махсус таклиф этилган бўлсин, хоҳ “доирахабар” бўлсин, ҳар бири ё ҳар бир гуруҳи бир танга, ё икки танга келтириб рўмолга ташлар эдилар. Қашшоқ муллабаччалар ва умуман камбағаллар “саргардон” бермас эдилар. “Доирахабарлар” ҳам ҳар базмга бора бермай, раққослари ва хонандалари ўзларига маъқул бўлган дастанинг базмига борар эдилар.<sup>1</sup>

Никоҳ аслида асрлар оша синовдан ўтган, моҳиятан чуқур ўйланган, миллий асосда нишонланадиган маросим ҳисоблансада, ҳар бир даврда такомиллашиб, муттасил бойиб келган.

Никоҳ маросимлари Ўзбекистоннинг турли ҳудудида бир-биридан фарқ қиладиган, ўзига хос гўзал эстетик қадриятларни намоён этадиган этнографик воқелиқдир. Бухоро амирлигида никоҳ маросимлари совчилик, нон синдириш, фотиҳа тўйи, никоҳ тўйи ва чақириқлардан иборат бўлган. Ҳар бир маросим ўз ичига кўплаб урф-одатларни қамраб олган. Бухоро воҳасигагина амал қилувчи урф-одатлар шу ҳудуддаги ўзига хосликни кўрсатади.

Инсоният тарихидан маълумки, никоҳ асосида барпо этилган оила қанча соғлом, бутун ва мустаҳкам бўлса, давлат ва жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланаверади. Шу сабабдан ҳам миллий никоҳ маросимлари азалдан ўзига хос жиҳатлар билан юксалиб келмоқдаки, бу албатта оилаларнинг мустаҳкам бўлишига қаратилгандир. Бу урф-одатлар кенг жамоатчилик томонидан доимо нишонланиб келиниб, даставвал одат сифатида, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштириб қўйилган маросимлардир. Бухоро воҳасининг миллий никоҳ маросимлари ўз этнографик эволюцион тараққиётига эга бўлиб, ундаги урф-одат, таомиллар замонавий, диний мансубликка қараб мазмун-моҳиятига кўра бойиб борган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзбек халқлари жумладан, унинг бир бўлаги бўлган Бухоро воҳаси халқлари ҳаётида кўплаб урф-одат ва маросимлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири узоқ йиллик тарихни босиб ўтган ва республиканинг бошқа ҳудудларидан турли кўринишлари билан фарқланади. Ҳар бир маросим ўзининг мақсад ва вазифаларига эга. Меъёрга риоя қилинса, кишиларнинг яхши ва аҳил-иноқ яшаши учун хизмат қилади.

\*\*\*

## НИГОҲИ АЪЛОҲОН АФСАҲЗОД БА РЎЗГОР ВА ОСОРИ АМИР ХИСРАВИ ДЕҲЛАВИ

Абдулқодир Начмиддин

Донишкадаи омўзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент

Осори адабиётшиносии Аълоҳон Афсаҳзод дар шакли рисолаву мақолаҳои илмӣ, илмӣ-оммавий ва эссеҳои эҷод шудаанд, ки дар рўзномаву маҷаллаҳо ва китобҳо ба таърифи расидаанд. Адабиётшиносии пурқор баъзе мақолаву эссеҳои хешро мухтасар ва ё муфассалу мукамал намуда, дар маҷмӯаҳо гирд овардааст. Ба ифтихори ҷашни 700

<sup>1</sup>Айний С. Эсдалиқлар. IV қисм / Асарлар. 8 жилдлик. 6-ж – Тошкент: Тошкент бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 100-101.